



БМТ Европа иқтисодиёт комиссияси миссиясининг Ўзбекистонда бўлиши тўғрисида

Аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини юксалтириш Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган дастлабки кунлардан бошлаб амалга ошириб келинаётган ислохотларнинг устувор йўналишидир. Ушбу мақсадни амалга оширишда уй-жой қурилиши ва бу борадаги тегишли инфратузилмани ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан 2009 йилдан буён амалга ошириб келинаётган қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилиши дастури ушбу соҳа ривожланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Дастур доирасида сўнгги 5 йилда мамлакатимизнинг 159 қишлоқ туманида 900 дан зиёд янги қишлоқ уй-жой массивлари барпо этилиб, намунавий лойиҳалар асосида майдони 4,5 миллион квадрат метр бўлган 33,5

мингдан ортқ яқка тартибдаги уй-жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шу билан бирга, қишлоқ жойларда барпо этилган янги массивларда 750 километр автомобиль йўллари, узунлиги 1,6 минг километрдан зиёд ичимлик сув қувурлари, 1,2 минг километр электр ва газ таъминоти тармоқлари, 800 дан ортқ ижтимоий, ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаси объектлари қурилди.

▶ Давоми 3-бетда.

«ҲАР ГҲДАКНИ МҲЪЖИЗА ДЕБ БИЛИНГ, ҚУТҚАРИШИ МУМКИН ДУНЁНИ»

Бухоро шаҳри, мурувват ногирон болалар учун интернат уйи, 2014 йил 21 июнь.



Дунёда болалар қувончи, шодлигини кўришдан ортиқроқ бахт бўлмаса керак. Айниқса, улар кўнгли ярим, бошқаларнинг меҳрига ташна бўлса. Шундай истак билан Бухоро томон йўлга тушдик. Тўғриси, у ердан бунчалик катта таассуротлар билан қайтамыз, деб ўйламагандик...

4

ЎзХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА



Қорақалпоғистон Республикасида

Ўзбекистон Халқ демократик партияси гоёларини қўллаб-қувватловчилар сафи тобора кенгайиб бормоқда

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамкорлигида Нукус шаҳрида «Сайловчилар манфаатлари ва ижтимоий-сиёсий ҳуқуқлари-

ни таъминлашда Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотлари ролини кучайтиришга доир долзарб вазифалар» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

▶ Давоми 2-бетда.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари функцияси, ирқий ва миллий мансублиги, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи, маълумоти, машгулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар, тенг сайлов ҳуқуқига эгадирлар.

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунидан.

ДИҚҚАТ, ЯНГИ РУКНИ!

Сиёсий партия:

таклиф, таҳлил, танқид

Депутатларнинг сайловчилар билан учрашувлари белгиланган режа ва муддат асосида амалга оширилади. Аммо ижтимоий тармоқда ўз шахсий саҳифасига эга депутат, керак бўлса, ҳар куни ўз сайловчилари билан бевосита мулоқотга киришади, фикрлашади, баҳслашади.

3

ЎзХДП гуруҳи аъзоларининг доимий комиссиялардаги фаолияти

Бугунги кунда халқ депутатлари Сирдарё вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги 40 доимий комиссияга ЎзХДП гуруҳи аъзолари раҳбарлик қилмоқда.

2

Хайрли мақсад йўлидаги ҳамкорлик

Мамлакатимизга ташриф буюрган Корея Республикасининг Инха университети госпитали шифокорлари «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг тиббий-ижтимоий марказида болаларни чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказмоқда.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб воёга етказиш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси томонидан хорижий тиббиёт муассасалари билан ҳамкорликда ўтказилаётган тиббий кўриқ ва муолажалар болалар саломатлигини янада мустаҳкамлаш, ўзаро таъриба алмашишда муҳим омил бўлмоқда. Хусусан, Германиянинг «Friedensdorf International» халқаро ташкилоти, Жанубий Кореянинг «Save the Children» халқаро жамғармаси, КОFIN жамғармаси, «Ewha Womans University» ва Инха университети госпиталларида бемор болалар даволанмоқда.

Жанубий Кореянинг Инха университети госпитали билан ҳамкорликда ташкил этилган навбатдаги ана шундай тадбир доирасида малакали нефролог, педиатр, офтальмолог, гастроэнтеролог, ортопед, нейрохирург ва бошқа мутахассислар болаларни чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказмоқда.

— Шифохонамиз «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси билан 2011 йилдан буён ҳамкорлик қилиб келмоқда, — дейди Инха университети госпитали офтальмологи, профессор Ён Сун Мун. — Мамлакатимизда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳоли тиббий маданиятини юксалтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётгани диққатга сазовор. Замонавий технологиялар билан жиҳозланган тиббиёт марказлари аҳолининг барча қатламларини тўла қамраб олган. Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэнинг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги яқин дўстлик ва ишончли ҳамкорлик муносабатларида далолатдир. Биз Ўзбекистонлик шифокорлар билан алоқаларни янада ривожлантириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишдек хайрли ишга ҳисса қўшиш ниятидамыз.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда ўтказилаётган ҳафталик доирасида Инха университети госпитали мутахассислари ва мамлакатимиз шифокорлари Тошкент шаҳри, Тошкент ва Навоий вилоятларида бўлиб, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларини чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказди. Оператив ёрдамга муҳтож беморлар мамлакатимиз ва Жанубий Кореядаги шифохоналарда даволанади.

Ирода УМАРОВА, ЎЗА мухбири.

Пенсия жамғармаси янги бинода

Яқинда Денов тумани марказида пенсия жамғармасининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Икки қаватли кўркам иншоотнинг лойиҳа қиймати 723 миллион сўм бўлиб, бунёдкорлик ишларини «Денов янги тараққиёт» иختисослашган таъмирлаш қурилиш хусусий корхонаси жамоаси амалга оширди. Мазкур даргоҳдаги барча хоналар замонавий компьютер ва зарур техника воситалари билан жиҳозланган.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Диққат, «Сиртқи қабул соатлари»

Ўзбекистон Халқ демократик партияси электорати ва газетхонларимиз истакларини инобатга олиб, тахририятимиз «Сиртқи қабул соатлари» рукнини қайта ташкил этишга қарор қилди.

Маълумки, бу рукн остида давлат бошқаруви органлари, жамоат ташкилотлари раҳбарлари сизни қизиқтирган саволларингизга жавоб беради.

Тахририятимиз мазкур мулоқотларнинг дастлабкисини Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан ўтказишни режалаштирган.

Аҳолининг ижтимоий ҳимояси бўйича амалга оширилаётган ислохотлар, яратилаётган имтиёزلар, хусусан, бандлик, касаначилик, ногиронларни реабилитация қилиш, меҳнат ва ижтимоий ҳимояга дахлдор саволларингизга Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Ақтам Хаитов жавоб беради.

Саволлар 2014 йил 30 июнгача қабул қилинади. Мурожаат учун телефонлар: (8371) 233-06-83, 233-44-55. Факс: (8371) 233-65-45; 233-47-80. Электрон манзил: info@uzbekistonovozi.uz

OZBEKISTON OVOZI ГАЗЕТАСИНИНГ КЕЙИНГИ СОНЛАРИДА ВА САЙТИДА ҲҚИЙСИЗ

Бандлик масаласида ҳар бир давлатнинг ўзига хос стратегик сиёсати бор. Лекин шунга қарамай, қатор давлатларда аҳоли бандлигини таъминлаш жиддий муаммага айланиб бормоқда.



Шаҳрисабз мамлакатимиз тарихида муҳим ўрин тутди. Ушбу шаҳарнинг юртимиз ижтимоий ва маданий тараққиётидаги аҳамиятини янада ошириш, уни замонавий туризм марказига айлантириш мақсадида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Меҳрибонлик уйлари 2 минг нафар тарбияланувчиси, 50 нафар жисмоний имконияти чекланган болалар дам олиш масканларида бепул соғломлаштирилади. 31 минг нафарга яқин кам таъминланган оилалар фарзандлари имтиёзли йўлланмалар билан таъминланади.

Бугунги кунда барча вилоятларда «Ёш сиёсатчи — 2014» кўриктанловининг навбатдаги босқичи ўтказилмоқда. Мазкур босқичда голиб бўлган энг иқтидорли, энг билимли, энг ташаббускор ёшлар кўриктанловнинг республика босқичида куч синашади...

2014 ЙИЛ — СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ

ИЖТимоий МУҲОФАЗА

ДИҚҚАТ, «СИРТҚИ ҚАБУЛ СОАТЛАРИ»

ЎЗХДП ГУРУҲИ АЪЗОЛАРИНИНГ ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРДАГИ ФАОЛИЯТИ

Алижон МАМАРАСУЛОВ,

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СИРДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ ЁШЛАР СИЁСАТИ ВА СОҒЛОМ АВЛОД МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ДОИМИЙ КОМИССИЯСИ РАИСИ.



— Ҳозирда вилоятимиз аҳолисининг қарийб 62 фоизини ёшлар ташкил қилади. Бугунги кунда уларни билим олиши, касб ўрганиши учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Шунингдек, мамлакатимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштирокини янада кенгайтириш борасида бир қатор чора-тадбирлар белгиланмоқда.

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қарори эса бу борода дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Сирдарёлик ёшларни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш, улар қалбида Ватан тақдирига дахлдорлик туйғусини қарор топтириш, сиёсий фаоллигини оширишда доимий комиссиямизни ҳам ўз ўрни бор.

Бугунги кунда «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарор асосида халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгашининг Ёшлар сиёсати ва соғлом авлодни тарбиялаш масалалари бўйича доимий комиссияси 2014 йилдаги иш режасини белгилаб олган.

Доимий комиссия ўтган даврдаги йиғилишларида «Таълим тўғрисида»ги қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонун ижроси муҳокама этилди. Шунингдек, вилоятдаги касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш, маҳаллий ҳокимликлар ҳузуридаги вояга етмаганлар билан ишлаш доимий комиссияси томонидан олиб борилаётган ишлар кўриб чиқилиб, қабул қилинган қарорлар тегишли ташкилотларга юборилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакики, 2013/2014 ўқув йилида вилоятдаги 301 умумтаълим мактабини жами 13014 нафар ўқувчи тамомлади. Бугунги кунда вилоятдаги 4 академик лицей ва 47 касб-ҳунар коллежиди умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини ўқишга қабул қилиш бўйича консултиватив марказлар фаолияти йўлга қўйилди.

Мазкур йўналишдаги ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида доимий равишда тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Бу ўқувчиларнинг ўзига маъқул келган йўналишни танлаши, касб-ҳунар коллежини битираётган йигит-қизларнинг мутахассислиги бўйича ишга жойлашишига қўмаклашади.

Шунингдек, вояга етмаганлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш мақсадида бир гуруҳ меҳнат фахрийларининг ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг ота-оналарга муурожаати қабул қилинди.

Мазкур муурожаатнома «Оила-мактаб-маҳалла» ҳамкорлиги доирасида вилоятдаги барча хонадонларга тарқатилди. Бундан ташқари, умумий ўрта таълим мактабларида ота-оналар йиғилишларида унинг мазмун-моҳияти тушунтирилди.

Шунингдек, қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, балоғат ёшига етмасдан турмуш қуришининг олдини олиш, ноқонуний никоҳга йўл қўймаслик каби долзарб масалалар ўртага ташланди.

Бундан ташқари, «Ёш оила қурувчилар мактаби» фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида жойлардаги ФХДЁ, ҳуқуқ-тартибот идоралари, соғлиқни сақлаш муассасалари ходимларидан иборат тартибот гуруҳлари шакллантирилди. Улар томонидан «Оила» кодекси, ҳуқуқий саводхонлик, тиббий маданият, соғлом турмуш тарзи тарғиб этилмоқда.

Бугунги кунда вилоятда касб-ҳунар коллежи битирувчиларини иш билан таъминлаш, оилавий тадбиркорликка жалб этиш мақсадида муҳим ишлар бажарилмоқда.

Биргина ўтган йили кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлик билан шуғулланишни ниёт қилган 430 нафар битирувчига тижорат банклари томонидан 1 миллиард 590 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилди.

Доимий комиссиямиз кўмағида барча таълим муассасаларида иқтидорли ўқувчилар учун қизиқишларига қараб умумтаълим ва касбий фанлардан тўғарақлар ташкил қилинган. Вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси тасарруфидаги таълим муассасаларида касбий йўналишдаги тўғарақлар сони 281, умумтаълим фанлар йўналишидаги тўғарақлар сони 536 тани ташкил этади.

Ёшлар келажагимиз. Уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши, билими, кучли, доно бўлиб камол топиши барчамиздан улкан масъулият талаб этади.

«Ўзбекистон овози» мухбири Нурали ОРИПОВ тайёрлади.

ЎЗХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎЗХДП фракцияси аъзолари, партия Марказий Кенгаши ходимлари, Қорақалпоғистон Республика, туман ва шаҳар кенгашлари раислари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари аъзолари ҳамда фаоллар иштирок этди.

Мазкур тадбир фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва сиёсий маданияти, ижтимоий фаоллигини ошириш, демократик ислохотлар моҳиятини кенг жамоатчилик орасида тарғиб қилишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда партиянинг фаоллигини янада ошириш мақсадида ташкил этилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қорақалпоғистон Республика кенгаши раиси Қўватбой Қурбанбаев бугунги кунда ҳар бир сиёсий партия, аввало, ўз электоратининг ижтимоий, иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиши зарурлигини таъкидлади. Ижтимоий манфаатларнинг тўғри ифодаланиши ҳамда ҳимоя қилинишида депутатлар имконияти ва ваколатларидан мақсадли фойдаланиш кутилган натижани беради, албатта.

Шунингдек, тадбирда сиёсий партиялардан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурлари юзасидан муқобил тақлифлар киритиш ҳамда уларни амалга ошириш, аҳоли турли қатламларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича аниқ ташаббусларни илгари суриш ва рўёбга чиқариш талаб этилиши яна бир бор қайд этилди.

Қорақалпоғистон Республикасида

Ўзбекистон Халқ демократик партияси гоёларини қўллаб-қувватловчилар сафи тобора кенгайиб бормоқда



Ҳотамжон КЕТМОНОВ, ЎЗХДП Марказий Кенгаши раиси:

— Сайловчилар манфаатларини таъминлаш партия олдидаги энг асосий вазифалардан саналади. Биз партиядошларимиз, партиямиз хайрихоҳлари ва тарафдорлари сафини янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз керак. Шунингдек, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини кучайтириш ҳам долзарб масаладир. Фуқароларнинг сиёсий онги, сиёсий маданиятини ошириш, тарғибот ишларини ҳамжихатлик билан олиб бориш, бу борда масъулиятни ошириш талаб этилади.

Тахлиллар кейинги вақтларда Қорақалпоғистонда партиямиз сафларига оммавий ахборот воситалари ходимлари, олимлар, ўзини ўзи бошқариш органлари маслаҳатчилари ва санъаткорлардан иборат кўплаб

янги аъзолар қўшилаётганини кўрсатмоқда. Фаол ва ташаббускор партиядошларимиз қанча кўпайса, партиямизнинг обрўси, таъсир кучи ҳам шунчалик ошади. 2014 йил Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга сайловлар бўлиб ўтиши бу бордаги масъулиятимизни янада оширади. Сайловларда партиямиз қандай иштирок этиши ва ундан кейин партиямизнинг жамият ҳаётида қандай маъвега эга бўлиши ҳар биримизнинг масъулиятимизга гоёлар тарғиботини қанчалик самарали олиб бораётганимизга боғлиқ...

Тадбир давомида мамлакатимизда кечаётган демократик жараёнларни янада чуқурлаштириш борасидаги ислохотлар самарадорлигини таъминлашда аҳолининг сиёсий фаоллиги, фуқароларнинг юртимиз сиёсий-ижтимоий ҳаётидаги ама-

лий иштирокини кенгайтиришнинг аҳамияти ҳақида кўплаб фикр-мулоҳазалар билдирилди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қорақалпоғистон Республика кенгаши бўлим мудри Нукусбой Фаниев, халқ депутатлари Нукус шаҳар Кенгаши депутати Зийбагул Самиярова, «Истикбол» ёшлар қаноти фаоли Хурлиман Нуржанова сайловчилар манфаатлари, ижтимоий-сиёсий ҳуқуқларини таъминлашдаги ютуқ ва муаммолар, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, шунингдек, ёшларнинг партия фаолиятидаги иштирокини кучайтириш масалаларига атироғича тўхталиб ўтишди.

Тадбир доирасида Ўзбекистон ХДП сафига янги қабул қилинганларга аъзолик гувоҳномалари топширилди.

Калбике ТУЛЕГЕНОВА, Қорақалпоғистон телерадиокмпаниясининг телеканал бўйича мухбири:

— Касбим тақозоси билан кўпроқ сиёсий партиялар фаолияти тўғрисида материаллар тайёрлашимга тўғри келади. Барча сиёсий партиялар каби Ўзбекистон Халқ демократик партияси фаолиятини ҳам мунтазам кузатиб бораман. Тўғриси-

ни айтсам мазкур сиёсий куч томонидан қилинаётган амалий ишлар менга жуда маъқул. Бугун одамларни амалий ишлар билан ўз ортимиздан эргаштиришимиз керак. Халқ демократик партиясининг аҳоли эҳтиёжманд қатламини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган гоёлари ҳамда уларни ҳаётга татбиқ этиш борасидаги амалий саъй-ҳаракатлари менга жуда маъқул бўлди. Шунинг учун ҳам мен ЎЗХДПни танладим.

Гуларем ЖУМАГАЛИЕВА, Қорақалпоғистон телерадиокмпаниясининг радиоканал бўйича мухбири:

— Бугун юртимизда кечаётган ислохотлар жараёнини сиёсий партияларнинг изчил ва самарали фаолиятисиз тасаввур этиб бўлмайди. Чунки ҳар бир партия ўзининг танлаган йўли дастурий мақсадлари билан юртимиз сиёсий майдонидан муносиб ўрин эгаллашга ҳаракат қилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳам мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётда фаол иштирок этиб келмоқда. Мен ҳам ўзимнинг сиёсий қарашларимни шу партия орқали илгари суриш

ва амалга оширишга қарор қилдим.

Назира МАТЯКУБОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎЗХДП фракцияси аъзоси:

— Бугун биз мустақиллигимизнинг 23 йиллик байрами арафасида сиз билан келгусидаги муҳим вазифалар юзасидан фикр алмашаямиз. — Аслида, барчамизнинг мақсадимиз бир, яъни халқ фаровонлиги йўлида ҳамжихатлик билан иш олиб бориш.

Бу борда ЎЗХДП ташкилотлари ва депутатлари иштирокини янада кучайтириш, кенг омма орасида партиямизнинг мақсади, гоёларини, бошқа сиёсий партиялардан фаркли жиҳатлари, ўзига хос хусусиятларини чуқур тушуништириш мазмун, деб ўйлайман.

Мана бугун сафимизга 60 нафар аъзо қўшилди. Шунингдек, қатор қорхоналарда бошланғич ташкилотлар тузилмоқда. Биз партиямиз гоёларини қўллаб-қувватловчи, уларни амалга оширишга ҳисса қўшишга интиланган кишилар сафи тобора кенгайётганидан хурсандимиз.

Давра суҳбатни якунида сайловчиларнинг манфаатларини таъминлаш, электоратнинг ижтимоий-сиёсий ҳуқуқларини амалга оширишда партия ташкилотлари ва депутатларнинг ролини янада кучайтиришга қаратилган аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Мнажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Бугун одамларни амалий ишлар билан ўз ортимиздан эргаштиришимиз керак.

ЎЗХДПДА СИЁСИЙ ВА ФУҚАРОЛИК МАЪРИФАТИ

Сайлов нафақат сиёсий партиялардан

балки ҳар бир фуқародан фаолликни талаб этади

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ҳамда Тошкент вилоят кенгаши ҳамкорлигида «Ўзбекистонда сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнининг ҳуқуқий асослари» мавзусида семинар ташкил этилди.

Унда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши масъул ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари, партиянинг Тошкент вилоят кенгаши мутасаддилари, туман, шаҳар партия ташкилотлари раҳбарлари ҳамда йирик БПТ етакчилари ўзаро жонли мулоқотга киришдилар, савол-жавоблар бўлди, фикр-мулоҳаза алмашилди.

Семинарда «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун, Конституцияимизнинг айрим моддаларига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар ҳамда сайлов тизимини янада тақомиллаштириш билан боғлиқ бошқа қонун ҳужжатлари мазмун моҳиятига алоҳида эътибор қаратилди.

Сўзга чиққанлар Марказий сайлов комиссияси мақомининг конституциявий асосларининг мустаҳкамлиши сайловларнинг очиқлиги ва ошқоралигини, уларни ўтказишда қонунийликни ҳар томонлама таъминлашнинг муҳим кафолати тўғрисида фикр юритишди.

ЎЗХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Сирожиддин Аъзамов миллий сайлов тизимини янада ривожлантириш йўлида олиб борилаётган ислохотлар, партиялараро рақобатнинг шакли ва усуллари ҳақида фикр юритди.

— Сиёсий партиялар мамлакатимизда муҳим стратегик вазифаларни белгилаб олишда ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда, — деди у. — Ҳаммамиз яхши биламиз, сиёсий партия давлат ва жамият ҳаётига реал таъсир этувчи кучга айланиши учун, албатта, у сайловларда муносиб иштирок этиши керак. Демак, биз бу йилги сайловларга ҳар йилгидан кўра жиддийроқ тайёргарлик қўришимиз керак.

Дилбар ХОЛИКОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎЗХДП фракцияси аъзоси:

— Мамлакатда демократик тамойилларнинг қарор топгани, аввало, сайлов тизими қанчалик ривожлангани билан ўлчанadi. Шу боис юртимизда сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари изчил тақомиллаштири-

СИЁСИЙ ПАРТИЯ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҲАЁТИДА РЕАЛ ТАЪСИР ЭТУВЧИ КУЧГА АЙЛАНИШИ УЧУН, АЛБАТТА, У САЙЛОВЛАРДА МУНОСИБ ИШТИРОК ЭТИШИ КЕРАК.

либ борилмоқда. Мазкур йўналишларда амалга оширилаётган ишлар давлат ҳокимиятини янада демократлаштириш, ҳокимият тармоқлари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимини ривожлантириш борасидаги ислохотларни аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш зарур. Бу уларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти, фуқаролик позициясининг шаклланишига хизмат қилади. Бугунги тадбир ана шу мақсадларга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Насиба ТУРҒУНОВА, ЎЗХДП Марказий Кенгаши масъул ходими:

— Сайловнинг асосий вазифаси халқ хоҳиш-иродасини намоён этишга имкон бериш ва ҳокимият органларининг самарали фаолият олиб боришига, унинг тақомиллашувига эришишдан иборат. Кейинги беш йилда мамлакатимиз ҳаёти қандай бўлиши, ислохотларнинг тобора чуқурлашиб бориши, қандай қонунлар қабул қилиниши шу сайлов натижаларига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Демак, сайловда нафақат сиёсий партиялар, балки ҳар бир фуқаро фаол иштирок этиши талаб этилади. Шундай экан, биз сайловга тайёргарлик жараёнида бу масалага ҳам алоҳида эътибор қаратишимиз зарур бўлади.

Наргиза МИРАҲМЕДОВА, семинар иштирокчиси:

— Анжуман жуда қизиқарли ўтди. Айнқиса, қонунчиликдаги ўзгаришлар, сайлов жараёнлари, сайлов тизими ҳақидаги маълумотлар сиёсий билимларимизни янада бойитди. Хусусан, Бош Қомусимизнинг 103-моддасига киритилган қўшимчаларга биноан, вилоят, туман ва шаҳар ҳокими тегишли халқ депутатлари Кенгашига вилоят, туман, шаҳар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисоботлар тақдим этиши, улар бўйича халқ депутатлари Кенгаши томонидан тегишли қарорлар қабул қилиниши кўзда тутилгани ҳар бир сиёсий партиянинг нафақат Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, балки маҳаллий Кенгашларда ҳам кўпроқ ўринларни эгаллашдан манфаатдорлигини оширади.

Тадбир сўнггида давлат ҳокимиятини шакллантиришда фуқароларнинг сиёсий партиялар воситасида иштирок этишларининг ҳуқуқий асослари хусусида фикр алмашилди. Шунингдек, бир гуруҳ ёшларга партияга аъзолик гувоҳномалари топширилди.

Гулрўх ОДАШБЕОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

СИЁСИЙ ПАРТИЯ: ТАКЛИФ, ТАХЛИЛ, ТАНҚИД

Жамшид ХОЛИКУЛОВ, ЎЗМУ журналистика факультети талабаси:



— Яқинда ўзим учун керакли сиёсий терминнинг маъносини топиш мақсадида интернетга кирдим. Шунда Ўзбекистон Халқ демократик партияси расмий сайти — xdp.uz билан танишдим. Сайт менда жуда яхши таассурот қолдирди. Замонавий дизайн, маълум бир йўналишга хизмат қиладиган бобларнинг алоҳида жойлаштирилиши, ЎзХДПдан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутатлар билан танишиш имконияти, партия билан электрон боғланиш, умуман, фойдаланувчи учун кўп-кўп қулайликлар мавжуд. Айниқса, партия сайтыда «Жамоатчилик қабулхонаси» мавжудлиги, истаган киши ўз муаммоси ёки саволи билан мурожаат қилиш имконияти менда қизиқиш уйғотди.

Сайт билан танишиб, менда яна бир фикр пайдо бўлди. Ҳозирги кунда кўпгина хорижий мамлакатларда сиёсий партия етакчилари ҳамда депутатлар ўз дастурий мақсадларини рўёбга чиқариш, сайловчилар билан доимий мулоқотда бўлиш, одамларни ташвишга солаётган масалаларни ўрганиш, умуман, аҳолига янада яқин бўлишда нафақат партиянинг расмий сайти, балки интернетнинг бошқа имкониятларидан ҳам самарали фойдаланишмоқда.

Депутатларнинг сайловчилар билан учрашувлари белгиланган режа ва муддат асосида амалга оширилади. Аммо, ижтимоий тармоқда ўз шахсий саҳифасига эга депутат, керак бўлса, ҳар кунги ўз сайловчилари билан бевосита мулоқотда қилинади, фикрлашади, баҳслашади. Одамларнинг таклиф ва мулоҳазалари билан ўртоқлашади. Агар партиянинг расмий веб-саҳифасига, асосан, партия ҳақида маълум тасаввурга эга одамлар мурожаат қилса, ижтимоий тармоқ ёки блокда сиёсатчилар кўп сонли тармоқ фойдаланувчиларини ўзлари мансуб бўлган сиёсий куч ғояларига эргашши, уларни жамиятдаги ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирок этишга ундайди.

Бизда ижтимоий тармоқлар аудиториясининг асосий қисмини 15 ёшдан 24 ёшгача бўлган йигит-қизлар ташкил этади. Шу маънода, юртимиздаги сиёсий партиялар электрон билан ишлашнинг мазкур замонавий усулидан тўғри ва оқилона фойдаланиш, шу орқали одамлар ичига кириб бориш масаласини ўрганиб чиқиш, ақсдаг мувофиқ бўларди.

Аслидин Жўраев,

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти бош мутахассиси:

— Бугунги кунда жойларда аҳолининг сиёсий партияларга бўлган муносабати, энг аввало, ўша партиядан сайланган маҳаллий Кенгаш депутатларининг ҳудуддаги амалий ишлари, ташаббуслари, сайловчилар ишончини қанчалик оқлаётгани билан белгиланади.



Шу маънода оммавий ахборот воситаларида маҳаллий кенгаш депутатлари ҳақида одамларга кўпроқ маълумот етказиш, уларнинг фаолиятини кенг тарғиб қилиш, бошқача айтганда, ҳудудларда депутатлар ҳақида жамоатчилик фикрининг тўла шаклланишига хизмат қиладиган материалларни мунтазам бериб бориш муҳим аҳамиятга эга.

Матбуот, телевидение, радио, қолаверса, веб-сайтларда партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги депутатлари ва уларнинг фаолияти ҳақида етарлича ўқиш, ўзимиз учун муайян тасаввур ҳосил қилиш имконияти мавжуд. Бироқ назаримда маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар оммавий ахборот воситалари, аввало, партия нашрлари эътиборидан четда қолаётгандек.

Менимча, одамларни ўз ортимиздан эргаштирамиз, сиёсий қарашларимизни аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилмас, сайловларда муносиб иштирок этамиз, деган мақсад билан ҳаракат қилаётган ҳар қайси сиёсий куч бу масалага алоҳида эътибор билан ёндашиши лозим.

Жаҳонгир БОТИРБЕКОВ,

Гулистон туман иқтисодиёт коллежи ўқитувчиси:



— Танишларимдан бири хизмат савдаси билан Хиндистонда бўлиб қайтди. Ундан таассуротлари ҳақида сўрадим. Мутахассислигим тарихчи бўлгани учун, кўпроқ ушбу мамлакатда юз бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар тўғрисидаги фикрлар билан қизиқдим. Унинг бориши мазкур давлатда сиёсий партиялар ўртасида сайловолди кураш айна авжга чиққан паллага тўғри келибди.

У ерда партиялар оддий баннерлардан ҳам жуда унумли фойдаланиши, кўча, майдон, кўп қаватли турар-жой бинолари, дўконлар ва бошқа маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари — умуман, ҳар қандамда сиёсий кўчларнинг нафақат умумий ғояси, балки уларнинг алоҳида йўналишларини ўзида ифодалаган, бир-бирини такрорламайдиган баннерларни учратиш мумкинлиги, ҳар бир партия ўзининг мадҳияси, шioriга эга эканлиги, шунингдек, партиялар ўз ғояси акс этган махсус атрибутлар сотиш, тарқатиш орқали тарғибот-ташвиқот ишларини фаол йўлга қўйгани менда катта қизиқиш уйғотди.

Ушбу мамлакатда партияларнинг бундай тарғибот усуллари сайловлардан кейин ҳам давом этаркан. Кейинги йилларда бизда ҳам сиёсий партияларнинг одамлар орасига кириб бораётгани, мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий жараёнларда уларнинг ўрни тобора мустақамланаётгани кишини хурсанд қилади. Аммо тарғибот-ташвиқот борасида баъзи бир камчиликлар ҳам бор.

Ҳозир туманимизда онда-сондагина баъзи сиёсий партия тизимларида кўчани тушади. Бироқ уларнинг барчаси ҳам талаб даражасида эмас. Шунингдек, баннерларда фақат бир хил ғоя — партиянинг умумий мақсадлари илгари сурилган, холос. Бу борада бирор янгилик, тўғрироғи, ранг-баранглик кузатилмапти. Фикримча, аҳолининг ўзи ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирок этаётган бугунги кунда, партиялар тарғибот-ташвиқот ишларида янги, янада замонавий усуллардан самарали фойдаланиши лозим.

«Ўзбекистон овози» мухбири Дилшод НАРЗУЛЛАЕВ тайёрлади.

БМТ Европа иқтисодиёт комиссияси миссиясининг Ўзбекистонда бўлиши тўғрисида

Янги қишлоқ массивларининг барпо этилиши ижтимоий объектлар, жумладан, замонавий мактаблар, қишлоқ врачлик пунктлари, мини-банклар, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, болалар спорт майдонлари ва бошқа иншоотлар куриш, умуман, инфратузилмани ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонда қишлоқ уй-жой курилишини комплекс ривожлантириш бўйича қисқа муддатда эришилган натижалар 2013 йилнинг апрель ойида Тошкентда ўтказилган «Замонавий уй-жой курилиши — қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили» мавзусидаги халқаро конференция иштирокчилари томонидан юзаска эътироф этилди. Ўзбекистоннинг ушбу йўналишдаги муваффақиятли тажрибасини намойиш этиш ва мамлакатимизда уй-жой секторига амалга оширилаётган ислохотларни кўллаб-қувватлаш мақсадида БМТнинг Европа иқтисодиёт комиссияси билан ҳамкорликда Ўзбекистонда уй-жой ҳўжалиги ва ердан фойдаланиш шарҳини тайёрлашга қарор қилинди.

Таъкидлаш жоизки, миллий шарҳларнинг тайёрлаш БМТ Европа иқтисодиёт комиссиясининг Уй-жой ҳўжалиги ва ердан фойдаланиш бўйича кўмитаси фаолиятининг асосий йўналишларидан биридир. Кўмитанинг юқори малакали мутахассислари тайёрлаётган миллий шарҳлар уй-жой ҳўжаликлари, шаҳарларнинг ривожланиши ва ер ресурсларини бошқаришни таҳлил этиш, уй-жой ҳўжалиги ва ердан фойдаланиш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштиришга доир тавсияларни ўз ичига олади. Мазкур шарҳлар мамлакатларга ушбу соҳадаги ўз ютуқларини минтақадаги бошқа давлатлар тараққиёти билан таққослаш имконини беради.

БМТнинг Европа иқтисодиёт комиссияси миллий шарҳларни 1996 йилдан буён тайёрлаб келмоқда ва Ўзбекистонда уй-жой ҳўжалиги ва ердан фойдаланиш шарҳини тайёрлаш бошқа халқаро ташкилотларда ҳам алоҳида қизиқиш уйғотмоқда. Хусусан, БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси шарҳини тайёрлашда техник ва молиявий кўмаклаштиш, Жаҳон банки эса ердан фойдаланиш соҳасида айрим жараёнларни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишга маслаҳат ёрдамида кўрсатишни таклиф этди.

БМТ Европа иқтисодиёт комиссиясининг миллий шарҳини тайёрлаш жараёнига бевосита жалб этилган халқаро экспертлар миссияси бу борада амалга оширилган ишлар билан танишиш учун жорий йил 11 июнда Ўзбекистонга келди.

Халқаро маслаҳатчилар миссиясининг ташрифи доирасида шу йилнинг 12-13 июнь кунлари Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан БМТ Тараққиёт дастури ва Жаҳон банки кўмағида Тошкентда «Шаҳарсозлик ва ер тўзиш соҳасидаги ёндашувлар ва энг яхши амалиёт» мавзусида семинар ўтказилди.

Мазкур семинар БМТ Европа иқтисодиёт комиссияси ва Жаҳон банки маслаҳатчилари ҳамда мам-

лакатимизнинг ушбу йўналишда фаолият кўрсатаётган вазирлик, идора ва тадқиқот институтлари мутахассисларининг шаҳар ва қишлоқларни ривожлантириш, ер ресурсларини, уй-жой курилишини бошқариш, биноларнинг энергия самарадорлигини ошириш ҳамда курилиш соҳасига замонавий технологияларни жалб қилиш бўйича жорий ва истиқболдаги масалаларни муҳокама этиш учун ўзига хос платформага айланди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва курилиш кўмитаси, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси, «Ўзкоммунизмат» агентлиги, «Қишлоқ курилиш банк» мутахассислари, Ижтимоий тадқиқотлар институти, Иқтисодий тадқиқотлар маркази, лойиҳа институтларининг етакчи экспертлари, шунингдек, иқтисодий блок мутахассислари семинарда фаол иштирок этиб, халқаро маслаҳатчиларни Ўзбекистонда шаҳар ва қишлоқларни режалаштириш соҳасидаги мавжуд амалиёт, коммунал ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини ривожлантириш борасида тадқиқот татбиқ этилаётган дастурлар, шаҳарсозлик ва кўчмас мулк кадастри соҳасидаги норма ҳамда тартиб-таомилларни такомиллаштириш, ердан фойдаланиш тизимига ахборот технологияларини жорий этиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар билан таништирди.

Семинар якуни бўйича БМТ Европа иқтисодиёт комиссиясининг Уй-жой ҳўжалиги ва ердан фойдаланиш бўлими раҳбари, халқаро маслаҳатчилари миссияси раҳбари Гулнора Ролл Ўзбекистонда шаҳар-

созлик, уй-жой курилишини ривожлантириш соҳасида салмоқли ишлар амалга оширилгани, шаҳарлашув масалаларини ҳал этиш ва мамлакатимиз қишлоқ аҳолисининг ҳаёт сифатини ошириш борасида салмоқли тажриба тўплангани ҳамда ушбу амалиёт ва тажрибадан бошқа мамлакатларда ҳам энг яхши амалиёт сифатида фойдаланиш кераклигини таъкидлади.

Халқаро маслаҳатчилар миссиясининг ташрифи асосида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, БМТ Европа иқтисодиёт комиссияси ва БМТ Тараққиёт дастури ўртасида Ўзаро англашув меморандуми имзоланди. Мазкур ҳужжат Ўзбекистонда уй-жой ҳўжалиги ва ердан фойдаланиш миллий шарҳини тайёрлаш бўйича ҳамкорликни янада ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

БМТ Европа иқтисодиёт комиссияси халқаро маслаҳатчилари миссиясининг мамлакатимизга ташрифи 20 июнга қадар давом этди. Ташриф давомида ушбу соҳада фаолият кўрсатаётган вазирлик ва идоралар мутахассислари билан тайёрланаётган миллий шарҳнинг асосий жиҳатларини муҳокама этиш ва ҳужжатнинг тегишли бўлимлари учун зарур материалларни тўплаш бўйича қатор учрашувлар ўтказилди. Шунингдек, халқаро маслаҳатчилар мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқларида уй-жой курилиши соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар самаралари билан ҳам танишди.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги матбуот хизмати.

Ёшларга берилаётган имтиёзли кредитлар

уларнинг орзу-истаклари амалга ошишига кўмак бермоқда

Бу фикр яқинда Фарвона вилояти Ёзёвон туманида «Микрокредитбанк» очик акциядорлик тижорат банки ташаббуси билан ўтказилган «Ёшларнинг бизнесдаги биринчи қадами» мавзусидаги анжуманда таъкидланди.

«Банк ва коллеж ҳамкорлиги» лойиҳаси доирасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўрта махсус касб-хунар таълим маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда касб-хунар коллежлари раҳбарлари ва битирувчилари, шунингдек, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Ушбу лойиҳадан қўзланган асосий мақсад ҳудудлардаги касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш, ёшларнинг инновацион лойиҳа ва ташаббусларини иқтисодиётга жорий этишга қаратилган. Дарҳақиқат, Президентимизнинг «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижроси юзасидан «Микрокредитбанк» ОАТБ касб-хунар коллежларини битираётган ёшларни айнан эгаллаган мутахассисликлари бўйича ўз ишларини йўлга қўйишлари учун бизнес-режалар ишлаб чиқиш ва микрокредитлар ажратиб, доимий иш ўрни яратиш борасида муайян ишларни амалга ошириб келмоқда.

Урта махсус касб-хунар таълим маркази, Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда ёшларни молиявий кўллаб-қувватлаш мақсадида «Менинг бизнес ғоям» лойиҳаси амалга оширилмоқда. Банк томонидан жорий йилда қилинган бизнес-режаларни таъминлаш бўйича таълим маркази, Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда ёшларни молиявий кўллаб-қувватлаш мақсадида «Менинг бизнес ғоям» лойиҳаси амалга оширилмоқда. Банк томонидан жорий йилда қилинган бизнес-режаларни таъминлаш бўйича таълим маркази, Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда ёшларни молиявий кўллаб-қувватлаш мақсадида «Менинг бизнес ғоям» лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Банк томонидан жорий йилда қилинган бизнес-режаларни таъминлаш бўйича таълим маркази, Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда ёшларни молиявий кўллаб-қувватлаш мақсадида «Менинг бизнес ғоям» лойиҳаси амалга оширилмоқда. Банк томонидан жорий йилда қилинган бизнес-режаларни таъминлаш бўйича таълим маркази, Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда ёшларни молиявий кўллаб-қувватлаш мақсадида «Менинг бизнес ғоям» лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Тадбирда Ёзёвон туманидаги Иқтисодиёт ва маиший хизмат кўрсатиш, Қишлоқ ҳўжалиги, Хизмат кўрсатиш ҳамда Транспорт коллежларини тугатаётган 135 нафар йигит ва қиз шу ернинг ўзида туман ҳўкимлиги томонидан яқна тартибдаги тадқиқот сифатида рўйхатдан ўтказилиб, уларнинг 122 нафарига банк сертификатлари тақдир этилди. Шу билан бирга 13 нафар қизга замонавий тикув машиналари топширилди. Тадбир давомида ёш тадбиркорларнинг банк кредитлари эвазига яратган махсуслотлари кўргазмаси намойиш этилди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.



Хизматлар лицензияланган.

Qishloq Qurilish Bank сармоялари

аҳоли фаровонлигига хизмат қилмоқда

Очиқ акциядорлик тижорат «Қишлоқ курилиш банк» Кўкон филиали томонидан йўналтирилаётган сармоялар, аввало, иқтисодиётимизни юксалтириш, аҳоли фаровонлигини ошириш, маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва янги иш ўринлари яратишга хизмат қилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида банк филиали томонидан кичик бизнес субъектларига 4179,4 млн. сўм, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун 448,0 млн. сўм, аёл ишлаб чиқарувчиларни кўллаб-қувватлашга эса 347,0 млн. сўм кредитлар ажратилди.

Банк филиали томонидан рақобатбардор, юқори сифатли ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳамда турларини кенгайтириш рағбатлантириш, ички истеъмол бозорини бойитиш, тайёр ноозик-овқат товарлари ишлаб чиқарувчи янги, маҳаллий корхоналарни ташкил этиш ҳамда мавжудларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш учун 2014 йил 1 июнь ҳолатига ажратилган кредитлар ҳажми 1506,0 млн. сўмини ташкил этди.

— ОАТБ «Қишлоқ курилиш банк» Кўкон филиали томонидан кредит олиб, «MAX LEVEL PLUS» масулюяти чекланган жамиятини ташкил қилди. Ҳозирда корхонада елим халталар ҳамда пластмасса буюмлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйганмиз, — дейди банк мижози Илхом Қўбилиев. — Корхонамиз фаолиятини ривожлантириш мақсадида бизнес-режа тузиб, ОАТБ «Қишлоқ курилиш банк» Кўкон

филиалига тақдим этдик. Бизнес-лойиҳамиз маъқул топилиб, пластмасса буюмлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган замонавий дастгоҳ ҳамда хомашё сотиб олиш учун 180,0 млн. сўм миқдорда кредит ажратилди. Натижда 5 янги иш ўрни яратилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш, оилавий тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш мақсадида «Қишлоқ курилиш банк» Кўкон филиали жамоаси кўллаб ижобий ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, банк филиали мижози «SHUKRONA SANOAT TEKSTIL» оилавий корхонаси ҳам ўзининг сифатли махсуслотлари билан кўпчиликнинг эътиборига тушган.

— Фаолиятимизни йўлга қўйишда «Қишлоқ курилиш банк» Кўкон филиалининг алоҳида ўрни бор, — дейди оилавий корхона раҳбари Сарваржон Мирзаахмедов. — 2013 йил май ойида трикотаж махсуслотлари ишлаб чиқариш учун бизнес-режа билан банкка мурожаат қилдик. Лойиҳа банкнинг малакали мутахассислари томонидан ўрганиб чиқилди ва 60,0 млн. сўм миқдорда кредит ажратилди. Сармоя эвазига тикув дастгоҳлари ва хомашё сотиб олинди. Ҳозирда корхонамизда асосан болалар ва аёллар учун кийимлар тикилмоқда ва ички бозорга чиқарилмоқда. Мухими эса, туманимиздаги 10 нафар фуқаро доимий иш ўрнига эга бўлди.

Банк маълумотлари асосида «Ўзбекистон овози» мухбири Алишер РЎЗИЕВ тайёрлади.

РЕКЛАМА ЎРНИДА



O'ZBEKISTON OVOZI

Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

«ҲАР ГЎДАКНИ МЎЪЖИЗА ДЕБ БИЛИНГ, ҚУТҚАРИШИ МУМКИН ДУНЁНИ»

Бухоро шаҳри, мурувват ногирон болалар учун интернат уйи, 2014 йил 21 июнь



Акциянинг навбатдагиси Бухоро шаҳридаги мурувват ногирон болалар учун интернат уйида ўтказилиши режалаштирилган, мазкур муассаса билан боғландик. Мақсади-мизни айтишимиз билан улар аллақачон газетанда акция ҳақида ўқишганини, уни ўтказиш учун тайёргарлик бошлаб юборишганини айтишди. Биз эса хайрли ниятда бошлаган ишимиз одамларни бефарқ қолдирмаётганидан қувондик.

Дунёда болалар қувончи, шодлигини қўришдан ортиқроқ бахт бўлмас керак. Айниқса, улар кўнгли ярим, бошқаларнинг меҳрига ташна бўлса. Шундай истак билан Бухоро томон йўлга тушдик. Тўғриси, у ердан бунчалик катта таассуротлар билан қайтамиз, деб ўйламагандик.

Шаҳарда жазирама забтига олаётган бир пайтда интернат ҳовлисига қирар эканмиз, салқин шабада эсиб турган каттагина боғни кўрдик. Бу ерда болалар учун сархил мевалар, сабзавот ҳамда полиз маҳсулотлари етиштирилган экан. Зийнат учун экилган анвоий гуллар эса кўрган кўзни қувонтирди. Йўл-йўлаккай мўъжазгина лимоняри, спорт майдончасини кўздан кечирдик.

Акциянинг асосий байрам тадбири бошланишидан олдин барча меҳмонлар интернат уйи ҳаёти билан яқиндан танишди. Тарбияланувчилар учун яратилган шароитлар, ётоқхона, сенсорли мажмуа, тиббий хизмат кўрсатиш бўлимлари фаолияти барчада яхши таассурот қолдирди.

Мўҳими, кундан-кунга хайрия акциясига ўз ҳиссасини қўйиши истагида бўлган қорхона-ташкilotлар кўпайиб бормоқда. Бу галги акцияда интернат уйи тарбияланувчилари учун «Ўй-фармасаноат» давлат акциядорлик концерни томонидан дорлар-дармон воситалари ажратилди.

Мўмин ЭРГАШЕВ, интернат уйи директори:

— Бугун интернат уйимизда катта шодийна. Барчамиз бу кунни интизорлик билан кутдик. Одатда кўпчилик болаларимиздан бирор байрам муносабати билан хабар олади, совға-саломлар улашади. Шундан бўлса керак, ушбу акция болалар қалби, руҳиятига ўзгача қувонч бахш этмоқда.

Хозирда муассасамизда 4 ёшдан 18 ёшгача бўлган 227 нафар бола тарбияланмоқда. Уларга қарийб икки юз нафарга яқин ходим хизмат кўрсатади. Бу ерда болаларнинг соғлигини тиклаш, спорт билан шуғулланиши учун барча шароитлар мавжуд. Интернатимизни дори-дармон воситалари билан таъминлаш, озик-овқат маҳсулотлари етказиб бериш давлатимиз эътиборида. Шунингдек, ҳомийлар, мурувватли инсонлар томонидан ҳам ёрдам кўрсатилади.

Бундан ташқари, ўзимизнинг ички имкониятлардан келиб чиққан ҳолда, қатор ишларни амалга ошираёلمиз. Хусусан, интернатимиз ҳудудида 4,5 гектар майдонда боғ барпо этилган. Бу ерда етиштириладиган маҳсулотлар болалар дастурхони янада тўкин бўлишини таъминлаётди.

Бир сўз билан айтганда, интернатимизда тарбияланувчиларнинг тўлақонли яшаши учун

барча шарт-шароит бор. Фақатгина болаларни кўпроқ маънавий, руҳий қўллаб-қувватлаш керак. Мазкур акция айнан шу мақсадларга хизмат қилаётгани билан ҳам қадридир.

Мўхтор УСМОНХЎЖАЕВ, «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамоат фонди васийлик кенгаши аъзоси:

— Акциямизни ўтказиш учун айнан шу муассасани танлаганимиз бежиз эмас. Бу ерда амалга оширилаётган ишлар, тарбиячи, шифокор ва хизматчиларнинг фидокорона меҳнатига, янада тўғрироғи, жасоратига қўйил қилиш керак.

Фонд васийлик кенгаши томонидан «Соғлом бола йили» Давлат дастуридан келиб чиқиб, қатор чора-тадбирлар белгиланган. Ушбу акция ҳам дастурда кўзда тутилган кўплаб долзарб вазифалар ижросига хизмат қилади.

Мазкур интернат уйига фонд томонидан 5 миллион сўм ҳомийлик ёрдами ҳамда дори-дармон воситалари ажратилди. Мўҳими бу эмас. Асосийси меҳрага, мурувватга муҳтож қалбларга малҳам бўлиш, болалар кўнглини кўтариш, уларда келажакка ишонч уйғотишдир.

Тарбиячиларнинг байрам учун астойдил тайёргарлик кўргани, болаларнинг юз-кўзидаги қувонч, ҳаяжон, ён-атрофдагилар-

нинг иштиёқи бизни тўлқинлантириб юборди.

Амин РАҲМАТОВ, интернат уйи шифокори:

— Бу ерда туғма ногирон, ақли заиф, турли ирсий ва касалликлар билан туғилган болалар даволанади, яшайди. Уларнинг саломатлиги билан 20 нафар малакали шифокор шуғулланади. Болаларнинг соғлиги доимий равишда назорат қилиб борилади.

Улар ҳар йили икки марта — март ва август ойларида чўқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилади. Бундай кўриқлар давомида 10 га яқин тор мутахассисликдаги шифокорлар иштирок этади. Аниқланган касалликлар бўйича йил давомида иш олиб борилади. Зарур бўлса, беморлар қайта текширувдан ўтади.

Интернат барча замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган. Хусусан, бизда мавжуд БТЛ 5 аппарати бир йўлга 3 функцияни бажара олади. Бу эса касалликни шу жойнинг ўзидан аниқлаш ва ташхис қўйиш имконини беради.

Шунингдек, бошқа тиббий муассасалар билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Бирор масала ёки мураккаб жараёнга дуч келсак, албатта, улар билан маслаҳатлашамиз.

Раъно СОИБОВА, «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамоат фонди Бухоро вилоят ваколатхонаси раҳбари:

— Биз жисмоний имконияти чекланган, ижтимоий ҳимояга, меҳр ва эътиборга муҳтож инсонлар ҳолидан хабар олиш, уларни ҳам иқтисодий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ҳаётда ўз ўринларини топишда ёрдам беришга ҳаракат қиламиз. Соғлом бола йилида асосий эътиборни оила-ларда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишга бағишланган тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтиришга қаратаямиз.

Ҳамкор ташкилотлар кўмагида ўтказилаётган бугунги хайрия акция фонднинг вилоятда мавқеи ошишига, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бора-сидаги ўрнини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, деб ўйлайман.

Насриддин ҲАМРОЕВ, интернат уйи тарбиячиси:

— Замонавий тиббиётда руҳий нуқсон билан туғилган бо-

ларга мусиқа ва спорт ижобий таъсир қилиши исботланган. Улар одамлар кайфиятини кўтарди, руҳан тетик, жисмонан чинқиради. Шу боис бу йўналишларда беморлар билан доимий машғулотлар олиб борилади.

Хусусан, ҳар бир гуруҳ учун ҳафтада икки марта мусиқа машғулоти ўтказилади. Шунингдек, болаларнинг спорт билан шуғулланишига ҳам алоҳида эътибор бераёلمиз. Спортнинг сузиш ва футбол тури уларнинг семвли машғулоти ҳисобланади. Спортда кўплаб ютуқларга ҳам эришяёмиз. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирилик томонидан республикамиз миқёсида ўтказилган мини футбол мусобақаларида интернатимиз жамоаси биринчи ўринни қўлга киритди.

Баҳриддин МУҲИДДИНОВ, ЎзДП Бухоро вилоят кенгаши раиси ўринбосари:

— Асосий гоёси аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга қаратилган жамоат ташкилотларининг ўзаро шериклик асосида ишлаши, умумий мақсад учун ҳамкорлик қилиши мўҳим аҳамиятга эга. Манзилли ижтимоий ҳимояни таъминлашда бу жиҳат мўҳим ўрин тутади.

Бугун ўтказилаётган акция эса шу эзгу мақсадга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир. Биз бундан кейин ҳам «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамоат фонди вилоят ваколатхонаси билан мунтазам ҳамкорлик қилишни режалаштирдик...

Болалар қўшиқ қўйлашди. Рақс тушишди. Шейрлар ўқишди. Улар қувончи, ҳаяжони барчага кўчиб ўтди.

Акцияда «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамоат фонди бошқаруви раиси Асрор Мирзахмедов, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари бош муҳаррири биринчи ўринбосари Фаррух Ҳамроев иштирок этди.

Болалар бағридан ҳеч узок-лағимиз келмасди. Мазкур даргоҳда меҳридарё, ўз касбини севган, фидойи инсонлар меҳнат қилаётганига гувоҳ бўлдик. Бу масканда фақат ўғил-қизларнинг шодон кулгуси эшитилиб туришини, дунёдаги барча мўъжизалар айнан шу болалар билан содир бўлишини орзу қилдик.

Нурали ОРИПОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.



Дунё Автомобилдан воз кечиб

велосипедга ўтиш
рағбатлантирилади



Европа Иттифоқи аъзо мамлакатлар автомобилдан воз кечиб, экологик тоза транспорт тури бўлиши велосипедга ҳаракатланишга ўтган фуқароларини рағбатлантириш масаласини ҳал этмоқда, дея хабар беради «Eurotop» наشري.

Бу борада Франция маъмурияти ташаббускорлик қилмоқда. Жумладан, мамлакатда махсус дастур амалга жорий этилган бўлиб, улладаги компания ва ташкилотлар унинг ижроси юзасидан кўнгли равишда зиммаларига мажбурийат олмақда. Айни пайтгача бундай ташкилот ва компаниялар сони 19 тага етди. Компаниялар раҳбарлари автомобилдан воз кечган ва велосипедга ҳаракатланишга ўтган ходимларига қўшимча маош тўлашни йўлга қўйдилар. Яъни, ишга велосипедга катнаётган ходим ҳар километр учун 0,25 евро миқдорда маошига қўшимча ҳақ олади. Ҳозир қўшимча маош оладиганлар сони 10 минг кишидан ортиб кетди.

Шу йўл билан мамлакат экологиясини тиклашга самарали ҳисса қўйиши мумкинлигини жамоаси биринчи ўринни қўлга киритди.

Эҳтиёт қисмлар помидор пўстлогидан олинади



Бир қарашда бунга ишониб қийин. Бироқ бу гоё яқин кунларда амалга ошишига шубҳа йўқ. «Ford Motor» автомобиль корпорацияси билан «Heinz» озик-овқат компанияси айнан бу борада ҳамкорлик алоқасини ўрнатди.

Гап шундаки, «Ford» кетчуп ишлаб чиқариш жараёнида қоладиган қуруқ помидор пўстлогидан машинага учун пластик деталлар тайёрлашни йўлга қўймоқчи. Ушбу лойиҳа муаллифининг фикрича, биологик асосда пластик деталларни амалиётга табиқ этиш нефть маҳсулотларидан камроқ фойдаланиш, пировадда, компаниянинг аτροφ-муҳитга зарарини камайтириш имконини беради. Бу ўз навбатида, автомобиль ишлаб чиқариш саноати ривожига мўҳим аҳамият қўшиб ўтди.

«Ford» компанияси айнан бу борада ҳамкорлик алоқасини ўрнатди. Гап шундаки, «Ford» кетчуп ишлаб чиқариш жараёнида қоладиган қуруқ помидор пўстлогидан машинага учун пластик деталлар тайёрлашни йўлга қўймоқчи. Ушбу лойиҳа муаллифининг фикрича, биологик асосда пластик деталларни амалиётга табиқ этиш нефть маҳсулотларидан камроқ фойдаланиш, пировадда, компаниянинг аτροφ-муҳитга зарарини камайтириш имконини беради. Бу ўз навбатида, автомобиль ишлаб чиқариш саноати ривожига мўҳим аҳамият қўшиб ўтди.

1,76 миллиард киши смартфондан фойдаланади

Аҳоли ўртасида смартфонлардан фойдаланувчилар сони тобора ортиб бораётди. Жорий йил охирига бориб, улар сони қарийб 1,76 миллиард кишига етиши кутилмоқда. Бу бундан ташқари, «Ford» компанияси айнан бу борада ҳамкорлик алоқасини ўрнатди.

Тахлиллар яна шуни кўрсатмоқдаки, 2017 йилда сайёрамиз одамларининг учдан бир қисмидан кўпроғи смартфонлардан доимий фойдаланиш имконига эга бўлади. Уларнинг ярмидан ортиғи, яъни 951 миллион нафари Осиё-Тинч океани минтақасига тўғри келади.

Хозирги кунда дунёда смартфонлардан фойдаланувчилар сони кўпчилиги жиҳатдан Хитой пешқадамлик қилмоқда. Айни пайтда 521,7 миллион хитойликларнинг ўз смартфонни бор. 2018 йилга бориб мамлакат аҳолисининг ярми смартфонлардан доимий равишда фойдаланиши кутилмоқда.

АҚШ аҳолисининг ярмида, аниқроқ айтганда, салкам 164 миллион америкалик смартфон мавжуд. Смартфон бор зори бўйича АҚШ Хитойдан кейинги ўринда турибди. 2016 йилга бориб иккинчи ўринни Ҳиндистон эгаллаши мумкин.

MUASSIS:



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir birinchi o'rinboshari: Farrux HAMROYEV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla Oripov Sharbat Abdullayeva Ochilboy Ramatov
Hotamjon Ketmonov Ulug'bek Mustafoyev Saidahmad Rahimov
Ulug'bek Vafoyev Muslihidin Tat'yana Kistanova
Rustam Kamilov Muhiddinov (Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

*Sharq nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxonaning manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 660
18391
nuxxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'ZA yakuni — 21.15
Topshirilgan vaqti — 00.35
Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
MIRBAXTIYOR MIRFAZIYEV
Sahifalovchi-ta'sturchi:
Sobirjon DUNG'ATOV

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5